Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 57 (21. 176) 1992 йил 20 март, жума ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

*

Айни кунларда далалардаги ишлар тобора қизитилмоқда. Буни Задарё районидаги «Наманган» давлат хўжалигида қилинаётган ишлардан ҳам билса бўлади. Бу ерда барча техника чигит экишга шайлаб қўйилди. Бу иш айниқса хўжаликнинг Ўзбекистон халқ депутати Абдураҳмон Убайдуллаев бошлиқ бўлимида кўнгилдагидек олиб борилди. Шу боис бўлим аъзолари мавжуд 720 гектар қумлоқ ернинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашаётир.

СУРАТДА: бўлим бошлиғи Абдураҳмон Убайдуллаев.

Ҳ. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

*

• ХДП ҳаётидан

ЗАМОНГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир онгли киши мустақил фикр юритса ва ишласа республика мустақиллиги ҳаётда ўзининг ҳақиқий ифодасини топади. Мутелик кайфиятидан қутилаётган пайтимизда янгича ҳаракат қилиш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расуловнинг Самарқанд меҳнат жамоаларидаги учрашувларида бу мулоҳазалар алоҳида урғу билан айтилди.

М. М. Расулов 18 март куни дастлаб «Сино» акционерлик бирлашмасида ишлаб чиқарилаётган рўзғор холодильниклари, халқ истеъмоли маҳсулотлари билан танишди. Корхона директори, ХДП аъзоси Исмат Қосимов ташаббуси билан бу ерда жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Ишлаб чиқариш технологияси бутунлай янгиланди. Ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий таъминоти яхшиланди. Бу ерда ҳар ойда бир марта икки минг кишилик жамоа учун палов дамланади, 185 сўмдан овқат пули берилади. Бундан ташқари ҳар байрамда совға-саломлар улашилади. Наврўз арафасида эса жамоага икки килограммдан бепул гўшт тарқатилди.

Ўзаро суҳбат пайтида оддий ишчилар М. М. Расуловга корхона маъмуриятининг бу ишидан мамнун эканлигини айтдилар. Зеро бу ишлар республика Президенти олиб бораётган тўғри сиёсатнинг акс-садосидир, дейишди улар.

«8 Март» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ургутдаги тамакини қайта ишлаш корхонаси, гилам тўқиш фабрикасидаги учрашувлар ҳам ана шундай жонли, самимий ўтди.

Маълумки, италияликлар Ўзбекистондаги етим болалар ва кўп фарзандли оилаларга хайрия совғалари жўнатишган эди. М. М. Расулов вилоят ҳокими Ц. Абдураҳмонов билан бирга ана шу совғаларни эгаларига топшириш маросимида иштирок этди.

19 март куни ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби шаҳар ва район партия кенгашлари котиблари билан учрашди.

— Партия обрўсини яна ўстиришнинг йўли — унинг аъзолари ҳаётдаги ўзгаришларга қараб фикрлай олишидадир, — деди ўз сўзида М. М. Расулов. — Республика Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримов бу борада ҳаммамизга ибрат кўрсатяпти. Биз Самарқандда ҳам ишбилармонлар, қатъиятли, дадил раҳбарларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, улар билан биргаликда ишлашимиз зарур.

Очиғи Тошкентдан туриб вилоят ва район партия ташкилотлари учун иш тартиби тузиш мумкин эмас. Ҳар бир жойнинг ўзига хос шароити бўлади. Партия раҳбарлари ана шуни илғаб олган ҳолда ХДП Низоми ва Дастури асосида иш тутишлари керак. Энди эскича тарғибот усуллари билан одамларни жалб этиш қийин. Шундай экан, тарғибот, ташвиқот ишларини бевосита чойхоналарда, маҳаллаларда, ҳовлиларда, аҳоли ўртасида олиб бориш керак.

Учрашув давомида М. М. Расулов тўпланганларнинг саволларига жавоб қайтарди. Сафар чоғида ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг биринчи котиби С. А. Нишонов унга ҳамроҳлик қилди.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мух. бири.

ВАКИЛЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг миссияси махсус вакиллари жойларда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол, инсон ҳуқуқларига амал қилиниши билан яқиндан танишиш мақсадида Ўрта Осиё давлатлари ва Қозоғистон Республикаси бўйлаб сафар қилаётир. Бу нуфузли Халқаро ташкилотнинг миссиясига Ян Кубиш бошчилик қилмоқда.

Тошкентга келган миссия аъзолари билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кевгашида учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов меҳмонларга Халқ демократик партиясининг ҳаёти, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишига ва жумҳуриятнинг мустақиллиги қад ростлашига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш учун партия ташкилотлари, оддий партия аъзолари амалга ошираётган ишлар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Шунингдек, у партиянинг бошқа ижтимоий-сиёсий кучларга нисбатан бўлган ёндашуви нуқтаи назарини баён қилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш қоидалари асосида ҳамкорлик қилиш учун очиқ эканлиги таъкидланди. Партиянинг бош мақсади — жумҳурият фуқароларининг миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар муносиб турмуш шароитлари билан таъминланишига кўмаклашишдан иборатлиги алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

21 март—Наврўз байрами

«Ўзбекистон овози» жамоаси—Наврўзга

«Ўзбекистон овози» рўзномаси жамоаси қадимий миллий байрамимиз — Наврўзни кенг тарғиб этиб, уни ижодий изланишлар, янги рукнлар, халқимиз иродасини ифодаловчи, соғлом фикрларни, ҳақиқатни, истиқлолни баён этувчи саҳифалар бунёди билан кутиб олмоқда. «Ўзбекистон овози» рўзномаси ўзининг етмиш тўрт йиллик тарихида биринчи марта бутун жамоа, бола-чақа, муштарийлар билан ҳамкорликда Наврўзни — улуғ иди аём сифатида сайл этмоқда.

Рўзнома журналистлари ҳамда ижодкор фаолларининг байрамни муносиб кутиб олиш тўғрисидаги ташаббуси Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан маъқулланди. Рўзнома муаллифлари мустақил республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида буюк айёмга ҳозирликни кенг ёритяптилар. Қадимий, ўлмас байрамнинг кўп қиррали моҳиятини, ижтимоий-маънавий аҳамиятини очиб беришга, бинобарин мавжуд мураккаб муаммоларни ҳал этишга дадил қўл урмоқдалар.

Республика жамоатчилиги ва ҳукуматининг Наврўз умумхалқ хайрия жамғармасини ташкил этиш ва шу мақсадда узлуксиз телекўрсатувлар ўтказиш ҳақидаги қарори рўзномамиз ижодий жамоасида хушнудлик билан кутиб олинди. Ҳамиша ўз халқи билан бирга бўлишга аҳд этган журналистлар ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини Наврўз хайрия жамғармасига топширишга қарор қилдилар.

Эртага 21 март куни Тошкентдаги Ҳамза номли театрда эрталабдан бошлаб «Ўзбекистон овози» рўзномасининг Наврўз байрами бошланади. Байрамга мутахассис ва ижодкорлар, санъаткорлар, рўзноманинг ҳассос дўстлари таклиф этилган. Кун бўйи таниқли созанда ва хонандалар улуғ аём қатнашчиларининг хизматида бўлишади. Байрам савдоси уюштирилади.

Ушбу муборак кунда бир-биримизга бўлган дўсту биродарлик муносабатларимиз, изҳор этадиган илиқ-иссиқ дил сўзларимиз улуғ давлатимиз — муқаддас Ўзбекистонимизга, унинг порлоқ эртасига ишонч-садоқатимиз намойишига айлансин.

НАВРЎЗ БАЙРАМИМИЗГА МАРҲАБО!

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси қишлоқ хўжалик вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақида

БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирликлари (будан буён «томонлар» деб аталувчилар);

иккала республика ҳукуматлари ўртасида 1992 йил 2 январида тузилган савдо иқтисодий битимнинг бажарилишига кўмаклашишга интилиб,

иккала давлат ўртасида қишлоқ хўжалик соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ва биргаликдаги ҳаракатларни ривожлантириш ниятида, қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиб ва уларни ривожлантира бориб, иккала давлатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган давлат корхоналари, кооперативлар ва фермерлик хўжаликлари, ихтисослаштирилган ўқув ва илмий-текшириш муассасалари, уюшмалар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги бевосита алоқаларни рағбатлантирадилар.

2-модда

Томонлар ўз миллий қонунлари ва ҳамма эътироф этган ҳалқаро норма ва қоидаларга риоя қилган ҳолда икки давлатнинг ташқи иқтисодий алоқа қилувчи субъектларини уларнинг фаолият кўрсатишларида керакли кафолатлар билан таъминлайдилар. Деҳқончилик-саноат мажмуи соҳасида биргаликда тузилган режаларни амалга ошириш учун ҳар иккала томонга қулай ва манфаатли шартлар билан қарз олиш ва инвестиция қилишда кўмаклашадилар.

3-модда

Иккала давлат қишлоқ хўжалиги пахтачиликка ихтисослашганлигини ҳисобга олиб, томонлар илғор тажриба ва илмий-техника ютуқларини жорий этиш, Ўзбекистон ва Хитойда биргаликда пахта етиштириш имкониятларини ўрганиш ва муҳокама қилиш мақсадида:

— юқори агрономик ва техник кўрсаткичли тезпишар, вилтга, сувсизликка ва шўрга чидамли пахта навларини саралаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, пахта касалликларига ва зараркунандаларига қарши биологик кураш усулларини қўллашга қаратилган пахта етиштириш агротехникаси,

— ўзбек мутахассислари ишлаб чиққан, ўзаки суғориш усулига мўлжалланган суғориш автомат бошқариш системасини Хитойда қўлланиш;

— Ўзбекистонда Хитойда сараланган келажаги порлоқ пахта навларини ва пахта билан алмашлаб экиш учун мўлжалланган турдош экинларни ва Хитой хўжаликларида Ўзбекистонда сараланган пахта навларини экиш, юқори агрономик ва техник кўрсаткичли келажаги порлоқ навларни ва ўзбек ҳамда Хитой уруғ саралаш тизилмаларини айирбошлашни ташкил қилиш;

— Ўзбекистонда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини плёнка остида ўстириш Хитой технологиясини, кичик механизация воситаларини ва деҳқон фермерлик хўжаликларига мўлжалланган қишлоқ хўжалик ускуналари мажмуини Ўзбекистонда қўлланиш;

— ишлаб чиқилган толага сертификат бериш ва ўзбек ҳамда Хитой пахталарининг жаҳон бозорида рақобат қобилиятини оширишнинг биргаликдаги муштарак тадбирларини бажариш;

— пахта толасини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни ташкил қилиш ва чиқиндилардан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ва бошқа мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги хитой тажрибасини ўрганиш ҳақида келишиб олдилар.

4-модда

Томонлар чорвачилик, паррандачилик, ипакчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, полиз экинлари, шифобахш ўсимликлар, асал ва бошқа турдош соҳа маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш борасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик қилишни амалга ошириш ҳақида келишиб олдилар. Хитой томони Ўзбекистонга тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шартлар асосида шоличиликнинг илғор усулларини эгаллашда кўмаклашади.

5-модда

Томонлар қўшма ва кичик корхоналар маҳсулотларини кооператив усулда ишлаб чиқарадиган фермерлик хўжаликларини ташкил қилиш соҳасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантирадилар. Бу соҳадаги фаолиятнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

— пахта толасини ва пахта чиқиндиларини қайта ишлаш, ип газлама ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

— мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, ташиш ва сақлаш, консерва маҳсулотларини, алкоголсиз ичимликлар, болалар овқатлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

— асал ва асаларичилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни майда идишларга қадоқлаш;

— кичик қанд заводларини қуриш ва биргаликда ишлатиш;

— хом терини қайта ишлаш, истеъмол молларини, хўжалик электр аппаратлари, кийим-кечак ва бошқа енгил саноат молларини ишлаб чиқариш;

— чувишга яроқсиз пилланни қайта ишлаш ва тола ишлаб чиқариш, улардан тайёр маҳсулотлар тикиш;

— Ўзбекистон ҳудудида Хитой кичик тракторларини ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш;

— қурилиш конструкциялари, цемент, сопол плиталар, ғишт, сантехника ускуналари, шунингдек, ғўзапоядан қоғоз ва зичланган қиринди плиталари ишлаб чиқариш.

6-модда

Томонлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва молларни Хитойдан Ўзбекистонга бевосита келтириш ҳақида амалий музокаралар ўтказиш ҳақида шартлашиб олдилар.

7-модда

Томонлар қишлоқ хўжалиги ва менежмент мутахассислар тайёрлаш ва малака ошириш соҳасида Ўзбекистон ва Хитойнинг ихтисослашган илмгоҳлари, хўжаликлари ва бошқа ташкилотларида ўзаро тенг шароитларда ўқитувчилар гуруҳлари, ихтисослашган илмгоҳлар тингловчилари, раҳбар мутахассислар ва экспертлар алмашишни назарда тутувчи ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида келишиб олдилар. Мутахассис гуруҳлар алмашишда ўзаро ҳамкорлик валютасиз амалга оширилади.

8-модда

Томонлар мазкур битимни амалга оширишга доир керакли иш протоколлари ва муайян тадбирларни, ижрочилар, ижро муддатлари, ўзаро алмашиладиган мутахассислар сони кўрсатилган дастурларни йилда бир марта тасдиқлаб, уларни бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

Томонлар мазкур битим бажарилиши ва ҳамкорликнинг келажаги ҳақида вақтивақти билан фикр ва маълумот алмашиб турадилар.

9-модда

Ушбу битим имзоланган кундан кучга киради ва беш йил мобайнида амал қилади. Башарти томонлардан бири битимнинг амал қилиш муддати тугашидан олти ой олдин уни бекор қилиш истагини ёзма равишда билдирмаса, унинг амал муддати ўз-ўзидан яна беш йилга узайтирилади.

1992 йил 13 мартда Пекин шаҳрида икки нусхада ўзбек ва хитой тилларида тузилди, ҳар иккала нусха матни бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги номидан
Бош вазир ўринбосари
Раҳим РАЖАБОВ.

Хитой Халқ Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги номидан
Қишлоқ хўжалик вазири
Лю ЧЖУНЪИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ҲАҚИДА

ПРОТОКОЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 12-14 март кунларида Хитойга таширифи давомида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати (бундан буён «томонлар» деб аталувчилар) ўртасида музокаралар бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасида темир йўл транспортини ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга ёрдам бериш мақсадида ҳар икки мамлакатнинг темир йўллари соҳасидаги ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Музокаралар дўстлик, ҳамкорлик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, ошкоралик ва ишчанлик вазиятида ўтди. Музокаралар натижасида қуйидаги битимга келинди:

1. Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасида темир йўл транспортининг ҳолати, уни ривожлантириш истиқболлари ҳамда темир йўл соҳасида илмий-техника тараққиётининг йўналишлари тўғрисида ўзаро ахборот алмашадилар.

Томонлар темир йўл транспорти ҳақида ўзаро ахборот алмашуви мамлакатларнинг шу соҳада ҳамкорлик қилишларида ва ҳамжиҳатликда кўмаклашади деб ҳисоблайдилар.

2. Томонлар ҳар икки мамлакатнинг қонунларига мувофиқ тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга келишдилар.

3. Томонлар бир-бирлари билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тегишли темир йўл ташкилотларига ва корхоналарига ҳар икки мамлакат учун қўшма темир йўл корхоналари очиш ҳамда қурилиш ишларида пудрат ва хизмат кўрсатиш бўйича шарт-шароитларни ўрганиш учун имконият яратиш тўғрисида келишдилар.

4. Томонлар халқаро йўл алоқаларига таалуқли темир йўлларда ҳамкорлик қилиш ташкилоти доирасида «Халқаро юк ташиш алоқалари тўғрисидаги битим», «Халқаро йўловчилар ташиш алоқалари ҳақидаги битим» ва бошқа битимлар асосида йўловчилар ва юк ташишни фаол ривожлантиришга келишдилар.

5. Томонлар Ўзбекистон ва Хитойнинг транзит юкларини учинчи давлатларга ёки районларга ташиш ва ҳужжатлаштириш ҳамда учинчи давлатлардан ва районлардан икки давлатнинг темир йўл орқали транзит юкларини ташишда халқаро юк ташишни амалга ошириш ва шундай ҳуқуққа эга бўлган икки давлатнинг юк ташувчи ташкилотларига тенг ва ўзаро фойдали шароитлар яратишга келишдилар.

6. Юқорида кўрсатилган бандларни рўёбга чиқариш учун томонлар шу йилнинг биринчи ярмида комплекс танишув учун тенглаштирилган валютасиз асосда бир-бирларига темир йўл мутахассисларидан гуруҳлар юборадилар. Бир мамлакатдан иккинчисига бориш учун халқаро транспорт учун сарфланадиган харажатларни томонларнинг ўзлари тўлайдилар.

Ушбу протокол 1992 йил 13 мартда Пекин шаҳрида ўзбек ва хитой тилларида икки нусхада тузилди ва имзоланди, ҳар иккала нусха матни бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан
Бош вазир ўринбосари
Раҳим РАЖАБОВ.

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати номидан
Темир йўллар вазири
Ли СЭНЬМАО.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ВА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЎРТАСИДА КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

ПРОТОКОЛ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, қуйида «аҳдлашувчи томонлар» деб аталувчилар;

давлат суверенитетини ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик қонунқоидаларига таяниб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низоми ва иккала томон ўртасида олий даражада имзоланган ҳужжатларнинг руҳига асосланиб;

икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида консультациялар ўтказиб туриш ва ўзаро фикр алмашишни муҳим ва фойдали деб ҳисоблаб;

қуйидагилар ҳақида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Аҳдлашувчи томонлар иккиёқлама муносабатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича, шунингдек ўзаро манфаатларни ифодаловчи халқаро масалалар юзасидан консультациялар олиб борадилар.

2-модда

Аҳдлашувчи томонларнинг ташқи ишлар вазирлари ёки уларнинг мухтор вакиллари мунтазам равишда (келишув асосида) учрашиб турадилар ва халқаро ҳаёт ҳамда иккиёқлама муносабатлар масалалари бўйича консультациялар ўтказиб турадилар.

3-модда

Аҳдлашувчи томонлар мунтазам равишда халқаро ташкилотлар ва халқаро анжуманларда консультациялар ўтказиб турадилар, шунингдек, халқаро ташкилотларда иккала давлат ваколатхоналари ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига кўмаклашадилар.

4-модда

Ушбу протокол имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва икки йил давомида амал қилади.

Аҳдлашувчи томонлардан бири протоколнинг амал муддати тугашидан олти ой аввал уни бекор қилиш тўғрисидаги ўз хоҳиши ҳақида ёзма равишда бошқа аҳдлашувчи томонга мурожаат қилмаса, протоколнинг амал муддати ўз-ўзидан кейинги икки йилга узайтирилади.

1992 йил 13 мартда Пекин шаҳрида икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва хитой тилларида имзоланди, ўзбекча ва хитойча матнлар бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги номидан
Ташқи ишлар вазири
Убайдулло АБДУРАЗЗОҚОВ.

Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги номидан
Ташқи ишлар вазири
Ўринбосари
Тянь ЦЗЭНПЭЙ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ ЎРТАСИДАГИ МУЗОКАРАЛАР

ПРОТОКОЛИ

Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси билан Хитой Фуқаро авиацияси бошқармаси вакиллари 1992 йил 13 март куни Пекин шаҳрида учрашув ўтказдилар. Учрашувда фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Муҳокама дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтди. Томонлар қуйидаги аҳдлашувга эришдилар:

1. Томонлар бевосита Пекин-Тошкент-Пекин ҳаво қатнови очиш ҳақида келишиб олдилар.

2. Ушбу протоколнинг биринчи бандида тилга олинган бевосита ҳаво йўлини ишлатиш билан боғлиқ бўлган тижорат ва техникавий масалалар ҳақида иккала мамлакатнинг тегишли ташкилотлари ва авиация корхоналари қўшимча битим имзолайдилар. Шу битимлар имзолангач, мазкур ҳаво йўли очилади.

3. Томонлар бир-бирларининг авиация корхоналари учун ўз ҳудуди тепасидан учиб ўтишда қулайлик беришга рози бўлдилар.

4. Томонлар фуқаро авиацияси ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига кўмаклашадилар.

5. Протокол имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

1992 йил 13 март куни Пекин шаҳрида рус ва хитой тилларида икки нусхада тузилди, иккала матн баб-баравар кучга эгадир.

Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси номидан
Ғаний РАФИҚОВ
Ўзбекистон Миллий авиация компаниясининг бош директори.

Хитой Фуқаро авиацияси бошқармаси номидан
Ян ЖУПИНГ
ХХР Фуқаро авиацияси бош бошқармасининг бош директори.

Тўрт йилдирки, Бекобод районидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигида илгари ўқитувчи бўлиб ишлаган Мирзаҳамдам Боймуродов фермерлик қилмоқда. У 50 бош қорамол олиб, уни меҳр билан парвариш қилмоқда. Мавжуд 8 бош сигирнинг ҳар биридан 10-12 килограммдан сут соғмоқда. Бир йилда эса 18 тоннадан сут топшираётир. 30 бош қўй, 100 дан зиёд товуқ парваришламоқда. 13 кишилик бу оилада ҳамма иш билан банд. Турмуш ўртоғи Қурбоной Мирзаҳамдамга ҳар томонлама ёрдам беради. Жамоа хўжалиги бошқаруви эса озуқадан қарашиб турибди. Оиланинг 20 гектарлик бедазори бор. Ҳозирча фермерлар хўжаликдан 70 минг сўм қарздор. Уларнинг нияти — ана шу қарзни қисқа муддатда узиб, муваффақиятларини кўпайтириб боришдир.

Суратда: Мирзаҳамдам Боймуродов оиласи даврасида.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛАДИ

Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида элчихоналар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги протокол 18 март куни имзоланди. Ҳужжатда Тошкент ва Деҳлида иккала давлатнинг элчихоналарини очиш, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли муносабатларни дипломатия йўллари билан ривожлантириш кўзда тутилади.

Протоколни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов билан Ҳиндистоннинг Москвадаги фавқулодда ва мухтор элчиси А. Гонсалвес тантанали вазиятда имзоладилар.

Консуллик муносабатларини ривожлантириш ҳақидаги протокол ҳам имзоланди. (ЎзА).

МУРУВВАТ ЁРДАМИ ВИЛОЯТЛАРГА ТАРҚАТИЛДИ

Туркиядан олинган инсонпарварлик ёрдамини республикамиз вилоятларига тарқатиш тугалланди.

— Меҳр-мурувват ёрдами биринчи навбатда олис Қорақалпоғистон республикаси, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларига юборилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси савдо вазирининг ўринбосари, Туркиядан келган инсонпарварлик ёрдами юкларини қабул қилишни ташкил этиш ва тақсимлаш республика комиссияси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳи раҳбарининг ўринбосари А. Ҳидоятов. — Жойларга ҳаммаси бўлиб 1 минг икки юз тонна маҳсулот, шу жумладан 500 тоннадан кўпроқ ун, 390 тоннага яқин шакар, 100 тоннадан ортиқ гуруч ва бошқа хил озиқ-овқат юборилди. Улар умумхалқ байрами — Наврўз арафасида аввало етим-есирлар, ногиронлар, бева-бечоралар, фахрийларга тарқатилади.

(ЎзА).

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Асака районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигида кўкламги экиш мавсумига тайёргарлик ишлари намунали олиб борилмоқда. Ҳозиргача 13 та чопиқ трактори, 150 комплекс борона ва 13 та сеялка сифатли таъмирланиб, мавсумга шайлаб қўйилди. Бунда механизаторлардан Остонбой Абдуқодиров, Сотволди Собировларнинг ҳиссаси каттадир.

Ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит жамғариш, боғ ва токзорларга шакл бериб, ўсимлик зараркунандаларига қарши кимёвий усулда ишлов бериш, бедапояларни чизеллаб, ўғитлашда ҳам хўжалик аъзолари баракали меҳнат қилмоқдалар. Натижада ҳозиргача 7000 тонна гўнг жамғарилиб, 5000 куб метр сув йўллари тозаланди. 87 гектар бедапоя озиқлантирилиб, 22 гектар мевазор ва 22 гектар токзорлар кимёвий усул билан ишланди.

М. ЖОНУЗОҚОВ.

ХДП: СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ НУФУЗИ

ОДАМЛАРНИ АСРАНГИЗ, ДЎСТЛАР

АНДИЖОНЛИКЛАР 1992 ЙИЛНИ МЕҲР-ШАФҚАТ ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИЛАР

● Андижон вилоят партия кенгаши, вилоят меҳр шафқат ва саломатлик жамғармаси Избоскан ноҳия ҳокимиятининг ташаббуси билан Избосканда меҳнат жамоалари вакилларининг уруш ва меҳнат фахрийлари меҳр-шафқат куни ўтказилди. Бу сайл катта шодиёнага айланиб кетди. Тошкентдан, Фарғонадан, Намангандан ва Андижон вилоятининг барча шаҳарларидан, ноҳияларидан вакиллар келишди. Қарияларнинг шодлигини кўриб, оддий бир қалам соҳиби сифатида ҳаётга назар ташладим...

ДУНЁ тўрт ҳикматга асосланади, олимлар илмига, кексалар ҳукмига, хотамлар саховати-ю, ночорлар шукрига. Инсоний фазилатларга бундан ўзгача таъриф бўлмаса керак, Бошқалардан кўра хокисорроқ, оғирроқ ҳаёт кечираётганлар борлигини билиш ва уларнинг оғирини енгил қилиш учун масъулият сезишнинг ўзи меҳр-шафқатдир.

Орамизда меҳр-оқибатли одамлар кўп. Лекин улар ўзларини кўз-кўз қилмайдилар. Биз эса уларнинг дилларидаги чўғдан, ёлқиндан ҳамиша баҳрамандмиз. Акс ҳолда яшашнинг қизиғи қолмас эди. Илгари биз орамизда ёнмаён юрган шундай саховатли кишилар борлигини пайқамасдик, пайқасак ҳам эътибор бермасдик. Иқтисодий қийинчилик, етишмовчилик, қимматчилик бошлангач хайр-эҳсон ҳақида чуқурроқ ўйлаб қолдик. Мустақиллик эшиги очилгач, меҳр-оқибат йўлидаги саъй-ҳаракатимиз тағин кучайди. Инсонни қадрлаш, кам даромадли оилаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни йўқлаш бошланди.

Аслида етим-есир, бева-бечораларга эҳсон бериш, меҳр-мурувват кўрсатиш қадимдан савоб саналган. Ҳадисда шундай гап бор: Бир-бирларингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликларни йўқотади.

Ҳадисда ўқиганим ана шу даъват, чақириқ ботбот ёдимга тушади. Одамлар орасидан шундай олижаноб кишиларни қидираман. Бағри кенг кишиларгина бировга ёрдам қўлини чўзади, деган тўхтамга келаман. Бу фазилат инсондан мардлик, мардоналикни талаб этади. Юлиус Фучик айтганидек: «одамгарчилик вазифасини адо қилиш учун мард юрак керак. То одамларнинг ҳаммаси чинакам инсонлик даражасига етмагунча бу юрак уришдан тўхтамаслиги керак».

Гурунгларда, суҳбатларда одамларда меҳр-оқибат, қадр-қиммат сусайиб кетди, деган гапларни кўп эшитаман. Бу гапда жон борлигига шубҳа қилмайман. Авваллари бирон кўшни ёки таниш-билиш касалхонага тушса, у амалдорми, олимми, оддий ишчими, фахрийми, кимлигидан қатъий назар кўргани бориларди. Ҳозир эса бундай интилиш ниҳоятда сўнган. Беморни кўришга вақт «топилмайди».

Шаҳрихон ноҳиясига борганимда эса «Коммунизм» жамоа хўжалигида яшайдиган М. Жалилова деган опахоннинг гапи ёдимга тушади: «Мен халқ таълими соҳасида ўттиз беш йил меҳнат қилдим. Тақдир тақозоси билан саломатлигим ёмонлашди, иккинчи гуруҳ ногирони сифатида нафақа оляпман. Мендай бир ногирон аёлга нима ҳам керак. Бировдан нолийдиган жойим йўқ. Шундай бўлса ҳам ҳар байрамда ҳамкасбларим ҳолимдан хабар олиб, ҳатто моддий ёрдам ҳам бериб туришади. Мен учун энг муҳими ҳар гал ҳамкасбларим билан учрашганимда ҳаётга қайтадан келгандай бўламан. Мен ишлаётган Улуғбек номли ўрта мактаб жамоаси эллик беш ёшга тўлганимда юбилей қилиб берди. Кўнглим тоғдай кўтарилиб дардим анча енгиллашди. Мен меҳр-оқибатли ҳамкасбларимдан бир умр миннатдорман.

Андижон шаҳрида Саломатхон Мамасодиқова деган аёл яшайди. Қарайдиган ҳеч қими йўқ, бу аёл ўрнидан туролмайди, қўллари ҳам, оёқлари ҳам ишламайди. Уни «Қизил ярим ой» жамиятининг саховатли жамоаси парвариш қилади. Тўхтахон Маҳмудова, Эркиной Ғафурова ва бошқа меҳрибон ҳамширалар ҳар куни ундан хабар оладилар.

Тағин бир ибрат олса арзигулик мисол. Андижон шаҳрида 2511-автомобиль хўжалиги бор. Шу хўжаликнинг ҳайдовчиларидан Тўхтасин Ўринбоев, Даврон Жўраев, Турсунбой Ваҳобов оламдан ўтди. Автохўжалик раҳбарияти марҳумларнинг дафн маросимларига бош-қош бўлди ҳамда уларнинг оилаларига 3 минг сўмдан ёрдам пули берди.

Бу пул аллақачон сарф бўлиб кетган. Аммо инсоний қадрият, оқибат дилларда яшаб қолди. Бу, марҳумларга бўлган эҳтиром белгиси, бошқа бир тарафдан эса шу хонадонлар соҳибларининг ўша жамоага, унинг раҳбари Алижон Мўминовга бўлган ишонч ва ҳурматини бир умрга муҳрлаб қўйди. Мана, орадан анча вақт ўтдиямки, А. Мўминов ва унинг жамоаси билан бағри, дили шикатса, аммо оқибатли одамлар туфайли қалблари мунаввар бўлган бу оилалар ўртасида меҳр-муҳаббат ришталари пайванд бўлиб кетди. Қимматчилик шароитида бундай ёрдам пулининг миқдори 5 минг сўмга етказилди...

Избоскан ноҳиясида ўтказилган меҳр-шафқат кунида ХДП Андижон вилоят кенгаши ижроия бюросининг аъзоси, вилоят ҳокими Қаюмжон Холмирзаев айтган гаплар мени ҳамон ҳаяжонга солади: «Олтин олма, дуо ол». Бу нақлнинг туб моҳиятини бугун яхши ҳис этиб турибмиз. Унинг заминида катта маъно ётибди. Кимки савоб иш қилса енгил тортади. Келинглар, ота-оналар ҳурматини жойига қўяйлик, ночор оилаларни ўз ҳимоямизга олайлик!

Вилоятимизда 5 мингдан зиёд ночор яшаётган оила борлиги аниқланди, улар ўзига тўқ, саховатли 5 минг кишига биркитиб қўйилди. Бугунгидек меҳр-шафқат байрамини вилоятимизнинг барча шаҳар ва ноҳияларида ўтказамиз. Бу байрам Наврўзнинг бошланишидир. Бу ишга партия ташкилотлари, ҳокимлар бош қўшсаларгина умумхалқ гулхани алангаланади.

— Вилоятимизда меҳр-шафқат хиёбони ташкил этилган. Бу ерда фахрийларга хизмат қиладиган махсус дўконлар ишлаб турибди, — деди умумхалқ сайли ташкилотчиларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Сайфиддин Турсунов. — кейинчалик хиёбонда ошхона, чойхона, мачит, поликлиника барпо этиш режалаштирилган. Ҳозир лойиҳа тайёрланяпти. Афғон жангчиларига ёдгорлик ўрнатиш ниятимиз бор.

Шундан кейин минбарга Избоскан ноҳия ҳокими Умрзоқ Иброҳимов кўтарилди: «Президентимиз И. Каримов ўтган йилнинг май ойида ўзгалар ёрдамига муҳтож, ночор кишиларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида фармон чиқарган эди. Бугунги байрам ўша фармонга бизнинг амалий жавобимиздир. Мен хайр-эҳсон тўғрисида гап кетганда Пойтуғ давлат хўжалигида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Тўхтасин Қозоқовнинг тақдирини эслайман. Ҳеч кими йўқ бу йигитни ўзи яшаётган маҳалла аҳли уйлантириб қўйди. Тўй харажати ҳам маҳалла ҳисобидан бўлди.

Бугунги тантанага меҳр-шафқат жамғармаси 5 минг сўм пул, 1000 та дурра, 1700 сўмлик кийим-кечак ажратди. Избоскан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати қарияларга 40 минг сўмлик совға улашди. Ҳаммаси бўлиб Избоскан ноҳиясида яшайдиган 700 нафар кам таъминланган ёлғиз кишилар, фахрийларга совғалар берилди. Вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев тўрткўллик ногирон йигит Раҳимжон Йўлдошевга уйда юрадиган чет эл аравачасини топширди.

Шу куни Избоскан ноҳия меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасига ноҳия матлубот жамияти, чорвачилик корхонаси, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги 10 минг сўмдан, Пойтуғ пахта заводи, Калинин номли жамоа хўжалиги 6 минг сўмдан, шойи тўқиш фабрикаси — 5 минг, ноҳия деҳқончилик саноати касаба уюшмаси — 4 минг, уйғур маданият маркази — 3,5 минг сўм пул ўтказишга қарор қилганлиги айтилди.

Шундан кейин ХДП Андижон вилоят кенгаши, вилоят меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси, Избоскан ноҳия ҳокимиятининг вилоятдаги хўжалик, ташкилот раҳбарларига ва барча фуқароларга мурожаати эълон қилинди. Мурожаатда шундай сатрлар бор:

«Биз бадавлат, ўзига тўқ кишиларга мурожаат қиламиз, меҳрингизни умидвор кўзлардан дариғ тутманг, шу қийин дамларда қалб саховатингизни аяманг, ногиронларнинг бошини силанг, вилоятимиздаги ташкилот, муассаса, давлат ва хўжалик раҳбарлари, ишбилармонлар, аҳли мўминлар биз сизларга мурожаат қиламиз. Ўз ташкилотингиз, корхонангиз, хўжалигингиздаги ёрдамга муҳтож кишиларни аниқлаб, йил давомида уларнинг холидан хабар олиб туринг. Шуни билингки, савобнинг катта-кичиги бўлмайди.

Биз вилоят тиббиёт ходимларига, маорифчиларга, кўп сонли ўқувчи ва талабаларга мурожаат қиламиз. Хизматингизга муҳтож кишиларни меҳр билан парвариш қилинг, маънавий қўллаб-қувватланг, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлинг. Кимсасиз кишиларга бир пақир сув келтириб берсангиз, ҳовлисини супуриб сидирсангиз, ўтин-чўпини тайёрлаб қўйсангиз, шунинг ўзи катта мурувват!»

...Куннинг иккинчи ярмида Андижон шаҳридаги «Олтин водий» ресторанида ҳам меҳр-шафқат байрами бўлди. Бу маросимни ХДП аъзоларидан: касаба уюшмаси ходимлари вилоят кенгашининг раиси Ҳ. Музаффарова, касаба ходимлари деҳқончилик саноати уюшмасининг раиси М. Султонов ташкил этди. Маросимга вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган кўп болали оталар, қаҳрамон оналар таклиф қилинди. Вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев 100 нафар ана шундай оталар ва оналарнинг ҳар бирига 500 сўмдан ёрдам пули топширди. Улар орасида Марҳамат ноҳиясидаги Калинин номли жамоа хўжалигининг фахрийси 14 фарзанднинг онаси Ханифа Жўраева ҳам бор эди.

Тармоқ касаба ходимлари вилоят уюшмаларининг ташаббуси билан худди шундай меҳр-шафқат маросими енгил саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, тиббиёт маданият соҳасида ишлаган ва ишлаётган кўп болали оталар ва оналар иштирокида ҳам ўтказилди. Уларга ҳам 500 сўмдан ёрдам пули берилди...

Избосканда ҳам, Андижонда ҳам меҳр-шафқат тантанаси, ўйин-кулги анчагача давом этди. Фахрийлар кўнгли тоғдай кўтарилди. Андижон вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев 1992 йилни меҳр-шафқат йилига айлантириш тўғрисидаги фармойишга қўл қўйди.

Бу хайрли ишлардан мен ҳам завқланиб ўтирдим. Инсон умри бир тутам асли! Оталар ғанимат, оналар ғанимат, шундай экан, умримизнинг ғаниматлигида юрагимиздаги жами меҳримизни фахрийларга, ногирон майиб-мажруҳларга, кўп болали оталарга, оналарга изҳор қилиб улгурайлик. Уларнинг ҳаётидаги барча йўқотишларнинг ўрнини сиз билан бизнинг меҳр-оқибатимиз тўлдириши лозим.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎҒЛИНГИЗ БАҒРИНГИЗДА БЎЛАДИ

● Долзарб мавзуда суҳбат

«Ўзбекистон Республикасидан чақирилган муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларни чақириб олиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг шу йил 16 мартда қабул қилган қарори кўплаб оналарга чексиз қувонч бахш этди. Ўз йигитлик бурчини ўлкамиздан узоқда ўтаётган ўғлонлари тақдиридан ташвишланаётган ота-оналар, юртдошларимизнинг кўнглидаги ҳавотирлик, қалбидаги ғашликлар чекинадиган бўлди. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Олий Кенгашнинг Давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари қўмитаси зиммасига юкланган. Шу муносабат билан мухбиримиз қўмита ранси, Олий Кенгаш Раёсатининг аъзоси Вилор Раҳматуллаевич Ниёзматовга бир неча савол билан мурожаат қилди:

— Вилор Раҳматуллаевич, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг ўлкамиздан чақирилган муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларни чақириб олиш тўғрисидаги қарори мустақил Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг навбатдаги дадил қадамларидан дейиш мумкин. Ушбу қарор қабул қилинишига асос бўлган энг жиддий омиллар нималардан иборат?

— Собиқ Иттифоқда аҳвол оғирлиги ҳаммамизга маълум. Ҳаётдаги бу мураккабликлар ва қийинчиликларни ҳарбий хизматчиларимиз ҳам ўз бошларидан кечиришяпти. Фарзандларимиз уйларидан узоқдаги турли минтақаларда хизмат қилишяпти. Бунинг устига қатор республикалар ўз миллий армиясини тузишни эълон қилди. Уларда жанговар техника ва қурол-яроғларнигина эмас, ҳатто шахсий составни ҳам миллийлаштириш ва хусусийлаштиришга ҳаракат қилиняпти. Бизнинг республикамиздан чақирилган ҳарбий хизматчиларни шу республикаларга содиқман, деб ҳарбий қасамёд қабул қилишга мажбур этишлар ҳам бўляпти. Қарорда таъкидланганидек, айрим минтақаларда миллатлараро зиддиятларни бартараф қилишга ҳарбий қисмларни жалб этишга уринияпти. Натижада фуқароларимизнинг ҳаёти ва хавфсизлиги жиддий хавф остида қолмоқда. Бу эса ҳақли равишда ота-оналарни ўз фарзандлари тақдири учун ташвишга солмоқда.

Олий Кенгашга ҳар куни ота-оналар, ҳарбий хизматчилардан кўплаб хатлар келяпти. Уларда армиядаги қийинчиликлар ҳикоя қилинади. Ота-оналарнинг қалбларидаги ташвиш ва ҳис-ҳаяжонлар ҳар бир кишини ўйлантиради ва изтиробга солади. Қўмита аъзоларининг ана шу мактублардаги фикр-мулоҳазаларни эътиборга олмасдан иложи йўқ. Ундан ташқари Қўмита ташаббуси билан халқ депутатлари гуруҳи, санъаткорлар ҳарбий қисмларга бориб, улардан тез-тез хабар олиб туришди. Ҳар ҳолда у ердаги воқеалар билан биз фақатгина хатлар орқалигина эмас, балки депутатлар гуруҳи, қўмита аъзолари орқали ҳам хабардор бўлдик ва ўз кўзимиз билан кўрдик.

Қўмита аъзолари Литва, Латвия, Эстония, Грузия, Кавказорти ҳарбий округи, Украина, Озарбайжон, Молдова ва Каспий флотилиясида хизмат қилиш нечоғлиқ оғирлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг йигитларимизни у ердан чақириб олиш фикрига келди ва бу таклифини Олий Кенгаш Раёсатига киритди,

— Қарорда 18 ой хизмат қилган ҳарбий хизматчиларни заҳирага бўшатиш таъкидланган. Шунингдек, биринчи бандга мувофиқ чақириб олинган ва заҳирага бўшатилиши лозим бўлмайдиган хизматчилар, яъни 18 ойдан кам хизмат қилган ўғлонлар ўз хизматларини давом эттирадилар. Бу масалага ўз муносабатингизни билдирсангиз.

— Саволингиз ўринли. Шу муносабат билан ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига мурожаат қилмоқчиман. 18 ойдан кам хизмат қилган ёшларнинг барчасини Ўзбекистонда қолдириш имкониятига эга эмасмиз. Чунки, бунинг учун тегишли шароит йўқ. Ҳарбий қисмлар, ҳарбий ётоқхоналар етишмайди. Шунинг учун биз уларни Туркистон ҳарбий округи ҳудудидаги ҳарбий қисмларга жойлаштиришга мажбурмиз. Ўйлаймизки, ҳурматли ота-оналаримиз вазиятни тўғри тушунадилар. Улар турли ташкилотлар, ҳарбий вазирлик, ҳарбий комиссариатлар, Олий Кенгаш олдига фарзандларимиз хизматларини фақат Ўзбекистонда давом эттиришсин, деган талабларни қўйишмайди. Эндиликда фарзандларимиз ўз она тупроғимиз Туркистонга келаётганига хурсанд бўлишади, деб ўйлайман. Ҳар ҳолда улар бизнинг бағримизда бўлишади. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда хизмат қилишади. Тили, маданияти, урф-одатлари бир-бирига яқин, дини бир халқлар орасида бўлишади. Агар ота-оналар ўз фарзандларини кўриб келмоқчи бўлсалар, қўшни республикаларга бориб келишлари мумкин. Қўлни узатса етадиган жойда деса бўлади. Бу ернинг иқлим шароитлари ҳам ҳарбий хизматга тез кўникишга ижобий таъсир этади.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Қарорда 18 ой хизмат қилганлар заҳирага бўшатилади, дейилган. Агар улар ишга жойлашишда тўсиқларга учрашса, у ҳолда Олий Кенгаш Қўмитасига мурожаат этишлари мумкин. Биз бу масалаларни зудлик билан ҳал этишга ёрдам берамиз.

— Хизматдан қайтаётган ёшларга ва уларнинг ота-оналарига қандай тилакларингиз бор?

— Аввало, хизматни ўтаб бўлган ёшларга Олий Кенгаш номидан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Уларга бундан кейинги ҳаётларида бахт-саодат, омад тилаймиз. Хизматни давом эттирувчи ўғлонларга ҳарбий бурчларини ҳалол ва муваффақиятли ўтаб, ўз ота-оналари бағрига соғ-саломат, тўкис-тугал, ёруғ юз билан қайтиб келишларига тилакдошмиз. Ўғлонлари йўлига нигорон кўз тутган ота-оналарнинг чидам ва бардошига таҳсинлар бўлсин.

Суҳбатдош
М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ПРЕЗИДЕНТГА АЙТАР СЎЗИМ БОР»

Рўзномамизнинг шу йил 22 январь сонида юқоридаги сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда ижара асосида пахта етиштирган А. Холбеков қилган меҳнатига ва топширган маҳсулотига яраша ҳақ ололмай идорамаидора сарсон бўлиб юргани айтилганди. Мақола юзасидан халқ депутатлари Наманган вилоят ҳокимиятидан расмий жавоб келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

— Мақола атрофлича ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, «Дўстлик» давлат хўжалиги меҳнат жамоаси кенгаши аъзоларининг 1990 йил 10 май ва Косонсой район ижроия қўмитасининг ўша йил 14 майдаги қарорига асосан тўла жамоа пудрати асосида ишлашга ўтган. Шунга мувофиқ 1991 йилда хўжаликдаги 16 та пахтачилик бригадаси билан маъмурият ўртасида шартнома тузилган.

Хўжаликнинг Абдумутал Набиев бошлиқ 6-бригадаси аъзолари ҳам белгиланган тартибга мувофиқ 166 гектар ерда 282 тонна пахта етиштириш, унинг ҳар бир тоннасини 1722,5 сўмдан сотиш юзасидан шартномага имзо чекишган. Бироқ бригадага тегишли 11 гектар ерни Косонсой район агросаноат уюшмасининг ер тузувчи-муҳандиси М. Турсунхўжаев 1990 йил 19 июнда А. Холбековга ўлчаб бергани учун 1991 йилда ҳам шу ер унинг ихтиёрида қолдирилган.

Ижарачи А. Холбековга 11 гектар ердан 26,7 тонна пахта териб топшириш ҳақида топшириқ берилган. Шунга кўра ўтган йили етиштирилган 29685 килограмм пахтанинг бир тоннасини ўртача 1722,5 сўмдан жами 49745 сўм, пландан ортиқча тўртинчи сортга топширилган ҳом ашёга 1970 сўм пул ҳисобланган.

Йил бўйи иш ҳақидан ташқари қилинган харажатларни А. Холбеков шахсан имзо қўйиб олмаган. Шу сабабли харажатлар бригада бўйича қилинган ўртача харажатга мувофиқ қилиб ҳисобланган. Натижада 11 гектар ерга 10037 сўм харажат, 11728 сўм иш ҳақи, 4039 сўм отпуска ажратмасини қўшиб ҳисоблаганда умумий харажат 25840 сўмни ташкил этган. Шундан давлат суғурта идораси томонидан берилган товон пули қайтарилиши натижасида юқоридаги сумма 24108 сўм бўлган. Ана шу харажат билан олинган даромад ўртасидаги фарқ, яъни 27607 сўм қўшимча мукофот учун қолади.

Бу пулдан механизаторларга 1765 сўм мукофот ажратилган. Қолган 25842 сўм ижарачига тегишли. Аммо ижарачи етиштирилган 29685 килограмм пахтанинг қиймати 75756 сўм бўлади, деб таъкидлаб, шундан 25850 сўм харажатни чегирган ҳолда 49917 сўм беришни талаб қиляпти. А. Холбековнинг бу талаби ижара тўғрисидаги низомнинг 7-моддаси 2-бандига тўғри келмайди.

Шунингдек, хўжаликда ишлаётган А. Холбеков ва унинг турмуш ўртоғи Х. Холбекова, ўғиллари Х. Холбеков ҳамда Б. Холбековларга нарх-навонинг ислоҳ қилиниши муносабати билан 60 сўмдан товон тўланиши лозим эди. Ўғилларига бу пуллар ойлик маошга қўшиб берилган. Аммо эр-хотинга тўланмаган. Тўланмаган пулларни тезда бериш хўжалик директори ва бош ҳисобчи зиммасига юклатилди.

● Муштарий минбари

ИСТАКЛАРИМ

Халқимизда хўрлаган хўрликка учрайди, деган нақл бор. Ота-онани хор қилиш, табиатни, сув ва нонни, қўйингчи, бор неъматларни исроф қилиш яхшилик келтирмайди. Сендан олдин ўтганлар яратган боғни, мулкни асрасанг, сенинг боғингни ҳам, мулкингни ҳам бошқалар асрайдилар. Бировнинг меҳнатини қадрласанг сенинг меҳнатингни ҳам қадрловчилар топилади. Масаланинг яна бошқа бир муҳим томони бор: она юртни, заминни душмандан ҳимоя қилиш нима-ю ,босқинчилик қилиш нима, душмандан ҳимоя қилиб, жондан айрилиш нимаю бировнинг уйига бостириб кириб унинг топган-тутганини ўмариш нима?!

Буларни фарзандларимизга уқтирайлик. Бир мисол. Фашизмга қарши курашганлар бутун оламни фашизмдан қутқариб қолдилар десам, адашмаган бўламан. Улар нақадар оғир дўзах азобини кўрдилар. Тўрт йил чўзилган урушда неча бор ўлиб, неча бор тирилдилар...

Отам Аъзам Турсунбеков Улуғ Ватан уруши бошланиши билан «Ватан ҳимояси учун» шиори остида кўплар қатори она-юрт ҳимоясига жўнаб кетдилар. Бир неча бор енгил яраланганликлари ҳақидаги хабарларни эшитдик. Бошларидан яраланиб, беҳуш ҳолда асрга тушиб қолибдилар. Етти ой лагермалагер юриб, сўнг қочишибди. Биргаликда қочганларнинг кўпи йўлда нобуд бўлишибди. Тирик қолганлар эса ҳар хил бўлинмаларга бўлиниб, тарқаб кетишибди.

Урушга кириб то урушнинг охиригача юзлаб душманни ер тишлатиб, ўнлаб танкларни ишдан чиқариб, портлатиб юборганлар бор. Урушга кирмасданоқ оёғидан ё қўлидан айрилганлар ҳам бор. Лекин уруш орқасида туриб мушт кўтарганлар ҳам йўқ эмас. Баъзида ана шуларнинг тили узун, гапи гап бўлаётганини кўриб ачинади, киши. Улар Улуғ Ватан уруши фахрийларига дахлдор ҳамма имтиёзлардан манфаатдордирлар. Ҳақиқий ватанпарварлар эса бир чеккада қолиб кетаётирлар. Дам олиш ёки соғлиғини тиклашга йўлланма олиш учун ойлаб сарсон бўлишади. Енгил машина харид қилишга йиллаб рўйхатда туришади-ю, рулини ҳам ушламай нариги дунёга равона бўлишади.

Шундай кезларда эл-юрт фахри — нуроний отахонларимиз билан фахрланадиган замонлар қайда қолди, дегим келади.

Қадриятларимизга қайтаётганимиз рост бўлсин. Ота-онани, кексаларни олқишлашдан ортиқ мукофот йўқ. Биз ажойиб халқмиз. Ўзлигимизни топиб олишимизга ишонаман. Порахўрларсиз, ядровий қуролларсиз, жаннат ўсимликлари ўсадиган боғу бўстонларга бой диёр бўлсин Ўзбекистоним. Мен ўлкамни бундан ҳам юксакликда кўргим келади. Ёшлик хазон бўлмасин. Йигит ўлмасин, инсон тинчлик, хотиржамлик билан қарилик гаштини сурсин, дейман.

Аҳрорхон АЪЗАМХЎЖА ўғли
Тошкент шаҳри.

НАВРЎЗ — МЕҲНАТ, МУҲАББАТ, ГУЛ ВА ҲАЁТ РАМЗИ

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

УЛУҒ АЙЁМ ИЛҲОМЛАРИ

Бу йилги Наврўзимизнинг шукуҳи бўлакча. У жумҳуриятимиз мустақиллиги биринчи йилининг илк баҳорий байрами, демакки, Наврўзимиз мустақиллик нури билан, мустақиллигимиз эса, Наврўз ёғдуси билан шуълаланган. Куни-кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида мағрур ҳилпирай бошлаган байроғимиз ҳаммамизга муборак бўлсин! Истибдодлар занжирини улоқтириб ташлаб, ғаламислар фитнасини енгиб ўтиб, озод, эркин истиқлолни барпо этаётган халқ безаволдир.

Инчунун, Наврўз — тиниқ само, ёрқинроқ қуёш, яшил борлиқ, меҳнат ва муҳаббат, гул ва мусиқа рамзи. Бу сўзда илк бор япроқ ёзган ва гуллаган дов-дарахтлар, жўшқин анҳорлар, қушлар хонишига тўла боғлар, ҳосил иштиёқи билан нафас олаётган она-еримизнинг ранго-ранг бойликлари мужассам бўлгандай. Наврўз бу сумалак хушбўйи, улоқчи отларнинг мағрур кишнаши, мушоира ва базм, қизлар қошини безаган ўсма, деҳқоннинг ер бошидаги салобатли ўйлари тимсоли ҳамдир.

Ҳаёт давом этади. Яхши ниятларимиз йўлдошимиз бўлсин.

Наврўз эшик қоқиб, баҳор қаҳ-қаҳ кулиб турса-ю, қалбда кўклам бўлмаса... Бундан ёмони йўқ. Аввало, кўнгил чечаклари кулсин, қулф очсин экан. Ана шунда кўнгил кўнгилдан сув ичгани мисол одамлар руҳиятидаги кўтаринкилик табиатга кўчгай ва у янада чирой очгай. Ана шунда бир ғунча минг қалбда гул бўлиб унгай. Ана шунда бир боғи эрам минг боғу эрамга айлангай...

Одатда байрамлар ўзўзидан кириб келавермайди. У одамларнинг руҳиятидан, ўзаро табригидан бошланади. Ғиждувон районининг тадбиркор фаоллари бу хайрли ишни қаровчиси йўқ, ёлғиз, ногирон одамларни йўқлашдан бошлашди. Бир пиёла чой дастурхони атрофига тўпланган 300 га яқин қария ширин таомлар, ўйин-кулги, музика наволари, совға-саломлардан эмас, балки эътибордан кўнгиллари тоғдай кўтарилди. Бундаги кираверишдаги пештоқига ёзилган «Сиз ёлғиз эмассиз, азизлар» шиори расмиятчиликдан қанчадир йироқ эканини қариялар район фаоллари билан онабола, ота-бола бўлиб, дилдилдан суҳбат қуришганда, бир-бирларини Наврўз айёми — Янги йил билан дилдилдан қутлашганда яна бир бор ҳис этдим.

Дардчил чеҳраларда табассум уйғотишдан, ёлғизларга фарзандлик меҳрини беришдан, муҳтожларнинг яхши-ёмон кунларида уларга суянчиқ бўлишдан ортиқ савоб борми?!

— Мен Абдуҳолиқ Ғиждувоний номидаги жамоа хўжалигида яшайман, — дейди Аҳмаджон ота Йўлдошев. — Тақдир экан, ёлғиз қолдим, — гапида давом этади у. — Лекин нолимайман. Бу ношукурлик бўлади. Ахир, тирикликнинг ўзи ҳам бир бахт-ку. Йўқлаб туришибди. Уй-жойим саранжом-саришта. кирим ювуқлик, овқатим тайёр...

— Вақти келса ҳатто ўзингникилар миннат қилишади, — суҳбатга аралашди 85 ёшли Жаҳон ая Мирғалиева. — Районимиздаги Қизил Ярим ой жамияти ҳамшираларига, ҳол-аҳволимиздан, соғлиғимиздан тинмай хабар олиб турадиган район фаолларига эса малол келаётганимизни сезганимиз йўқ. Минг раҳмат, уларга.

Бир ғариб кўнглини сўраш бир шаҳарни обод этиш билан баробар, дейдилар. Бунда Наврўз айёмининг камиятимизнинг меҳр-мурувватга жуда ташна, ёрдамга, шафқатга муҳтож одамларнинг кўнглини олишдан бошлангани янги йилга оқ либос кийдиргандек, оқ йўл тилагандек эди.

Райондаги 47-мактабнинг қизалоқлари рухсорида баҳор эпкинлари гул очгандек:

Сумалагим қозонларда қайнайдиё,
Кўнглимиз баҳор каби яйрайдиё...

Бу қуруқ қўшиққина эмасди. Ростдан ҳам ҳовли ўртасига қурилган дошқозонда сумалак қайнар, санам қизлар капгир ўйнатиб сумалак кавлардилар. Бир томонда ўғлонларимиз кураш тушишар, хўроз уриштириб ҳордиқ чиқараётгирлар. «Баҳор таомлари» кўргазмаси бўлса мактабнинг лобар қизлари пазандалиги маҳоратидан яна бир намуна эди. Кўргазмада кўк сомсаю, кўк чучвара, қат-қат патирдан тортиб, тухум бараккача, ҳолвайтар ва танга малҳам ҳалим, зоғорагача ўқувчи қизлар томонидан тайёрланганди.

Мактабнинг ишга тушганига қарийб бир йил бўляпти. Билимлар кошонасидаги биринчи сумалак, биринчи бор Наврўзни олқишлаш кўнгилларга рўшнолик бахш этмоқда. Бундаги томошалар, кўргазмалардан тажрибасизлик эмас, аксинча маҳорат сезилади. Ўқувчилар ўз оилаларида кўрган, ўрганганларини намойиш этаётирлар.

Наврўз эшик қоқаётганидан вилоятда биринчи бўлиб жар солган Ғиждувон ошпезларининг ҳар жойида Наврўз навоси. Садриддин Айний музейини зиёрат қилиб келганлар музей олдидаги майдончада янграётган куй-қўшиқлардан кўнгилларини узиб нари кетолмасдилар.

Сени олиб кетдилар бегимжон,
Янги уйга элтдилар бегимжон....

«Қиз узатиш» томошасини намойиш этаётган қизалоқлар дошқозонлардаги сумалаклардан чинни пиёлаларда сузиб келтирадилар ва меҳмонларга илинадилар. Қош-кўзларига ўсма-сурма тортган аяжонларимиз саҳнага чиқишади:

Ёшлигимда ишладим,
Ватанимни хушладим.
Қариб қолганимдаё,
Ўйнаб қолганим яхши.

«Ленинизм» жамоа хўжалигининг «Гулнор» фольклор-халқ ансамблининг бу чиқишларини меҳмонлар узоқ олқишлашди.

Якка деҳқон хўжаликлари уюшмаси Ғиждувон бўлими қошидаги «Камолот» кичик корхонасининг қўли гул чеварлари кўрсатган томошалар жозибаси ўзлари тикаётган миллий либослар жилосидек рангбаранг ва жозибали эди. Попоп тикувчи қизларнинг устози Муҳаббатхон Жабборова беш ўғилнинг онаси. У дўппи, ковуш, говрапўш, тўн каби миллий буюмларга жилва беришдаги маҳоратини шогирдларига эринмай ўргатяпти. Муҳаббатхоннинг умр йўлдоши ҳам худди шундай цех очиб, аёлини мусобақага чақирган. Эр ютса ҳам, хотини ютса ҳам қувонч шу хонадонники экан, ютуғу қувончлар оила беги билан бекаси манглайини ҳамиша ярқиратиб туравергай.

Сумалакжон сумалак,
Мен сенга жоним ҳалак.
Уни пишириб бериш,
Анъанавий бир одат.
Буғдойни аввал олиб,
Тахтада яйратамиз.
Ҳафталаб сувлар сепиб,
Баҳордай яшнатамиз...

Яшаш, яратиш завқига лиммо-лим чеҳралар, нозанин қўшиқ шайдолари билан яқиндан танишамиз. Шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли А. Фитрат номли 4-ўрта мактаб қизлар кенгашининг Наврўзга бағишланган «Даврага кел дугонажон, даврага» томошаларидан дил яйрайди, кўнгил ўсади.

Азиз қизалоғим Насибахон, насибанг доимо бутун бўлсин. Наргиза, Нилуфар, Дилафрўз, Лайло, Моҳигул, Лолахон Наврўз чечакларидек кўзларни қувонтириб, камолга етаверинг. Дилрабо, Гулмира, Матлуба, Гулсара, Муҳаббат, Дилором, Хуршида, Сабоҳат, Сурайёгинам, овозингиздаги мунислик, рақсларингиздаги жозиба меҳнат ва ҳаётингизга ҳамиша йўлдош бўлсин.

Фарзандлари бахтиёр халқнинг ота-оналари яйрайди, ўзини янгидан-янги ишларга чорлайди. Акс ҳолда олти фарзанднинг онаси, кечагина нафақага чиққан «Пахтаобод» жамоа хўжалигида истиқомат қилаётган Ҳалима опа Мирзаева енг шимариб бригадирлик вазифасига қайтиб келармиди?! Нафақахўр Ханифа опа Жумаевага нима етишмайди дейсиз?! Лекин у ўз хонадонида фермер хўжалик очиб, бола-чақаси, келин-келбатлари билан уймалашиб ётибди. Мол оғзи кўкатга етди, энди халқимиз толиқмайди, дея янги йилга яхши умидлар билан қараётган Калинин номли жамоа хўжалиги раиси Саломат опа Ғаниева, «Пахтаобод» жамоа хўжалиги раиси ўринбосари, жамоа ХДП бошланғич ташкилоти котиби Замирахон Тўхтаева, умумий овқатланиш корхонаси ишчиси Назирахон Бурхонова, шифокор Сорахон Бурхонова, эл-юрт ташвиши, иқболи йўлидаги хизматларингиз учун минг раҳмат.

Ғиждувон аёллари дардкаши Бахшандахон Болтаева Наврўз туҳфа этган янги вазифа муборак бўлсин! Куни кеча сизни ноиблар бир овоздан район ҳокими ўринбосарлигига сайлашибди. Энди сиз эркаклар ҳам дардкашисиз, азизим.

Ғиждувон наволари Бухоро вилоятининг Жондор, Вобкент, Шофиркон, Ромитан каби ўнлаб районларида авжга чиққанининг ҳам гувоҳи бўлдик.

Янги йилда тила тилагингни, у, албатта, рўёбга чиқади, дейдилар. Энг эзгу туйғуларим сизга, азиз одамлар. Томорқа олиб унда иморат кўтараётган, мўл ҳосил етиштириш учун куймаланаётган оилалар ниятингизга етинг. Ҳомиладорларга оқ йўл берсин. Қизалоқ кутаётганга қиз, ўғил кутаётганларга ўғил ато этсин. Азиз бободеҳқоним эгаларингизга, азиз чўпон бобо қўраларингизга барака тилайман, барака.

Дилбар МАҲМУДОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НАВОЛАР АВЖДА

АГАР БОҒ ИЧРА КИРСАНГ

Агар боғ ичра кирсанг, бошланур гулларда яйрашлар,
Яна рангларда мавж урмоқ, яна қушларда сайрашлар.

Қаду қалбинг томошосин соғинмиш, йўқса қайдандир
Ниҳолда нозланишлар, чашмаларда сирли қайнашлар.

Чаманда авж олиб байрам, ҳаволар ҳуддиким малҳам,
Чечаклар кўзида шабнам — кулимсаб жилва айлашлар.

Сочинг сийпаб эсар шаббодалар шўху таманнолик,
Бу хушбўйни кутар дунё — Хито Ҳинду Марокашлар.

Аё эй, офтоб оламга, олтин шуъалар сочгил,
Нигорим йўлида бўлсин нисоринг эрка оташлар.

Гоҳо сувларга роз айтиб, гоҳо гулларга юз бурсанг,
Бу боғ ичра тушар ҳар лаҳза-лаҳза неча кенгашлар.

Товуслар пар ёзар ҳайрон, нигоҳни эркалар жайрон,
Ахир, боғни этиб сайрон, гўзал ёрим қадам ташлар.

Гўзаллик не эрур, кўрмоқ гар истарсиз, келинг бунда
Жаҳон ичра шараф тутган ўшал танҳо паривашлар.

Нечун ўйчан бўлиб қолдинг, дилором, боисин айтгил,
Нечук нохуш ҳаёлотким, дилингни бул замон ғашлар!

Бу таъриф кўҳна деб ёҳуд менга дашном этурсанму,
Ки бундан ортиғин ҳаргиз тополмас ишқда саркашлар.

Тилармен, ташрифингни канда этма ушбу гулзордин,
Агар боғ ичра кирсанг, бошланур кўнглимда яйрашлар.

САХОВАТЛАР КЕЛУР

Наврўзим келгач, табиатга малоҳатлар келур,
Наврўзим бирлан кўнгилга турфа ҳолатлар келур.

Барқ урар борлиқ қуёшнинг нурларидан баҳравор,
Елпиниб эсган шамол бирлан ҳаловатлар келур.

Қил томошо навбаҳорда сен гўзаллик базмини,
Шўх навозиш бирла дилга яхши одатлар келур.

Кўзларимда уйқу йўқ, ишқ изтироби — ҳолатим,
Дейдиларким, изтиробдин сўнгра роҳатлар келур.

Келганинг дунёга инсон, меҳнатингдан бахт ярат,
Чунки дерлар, ким машаққат чекса омадлар келур.

Кимки номақбул тутар халқ азмига ўз феълини,
Бир умр бошига, бил, санги маломатлар келур.

Бошлар узра бу баҳору бул қуёш бўлсин абад,
Меҳнату эзгу ниятлардан саховатлар келур.

ЧАМАНДЕК...

Ҳаёт эртак эмас, жанглар бор унда,
Ғолиб бор, ҳоли кўп танглар бор унда.

Ҳаётни тип-тиниқ сой тасвир этма,
Оёққа санчилур санглар бор унда.

Ҳаловатда яшовчи бахтлилар кўп,
Дилида қайғудан занглар бор унда.

Ҳалолу камтаринлик кимгадир зеб,
Яна виждони терс, ланглар бор унда.

Дема, бўстонга ўхшайдир ҳаёт ҳам,
Чамандек неча хил ранглар бор унда.

Ҳаёт бўстон эмас, қайрилма йўлдир,
Машаққат тўла фарсанглар бор унда.

* * *

Қайдадир зор бир гўдак,
сен бахтлиман деб урма бонг.
Қайдадир хор бир юрак,
сен бахтлиман деб урма бонг.

Қайда бир тор кулбада
кимдир яшар чору ночор,
Кийганинг бахмал, ипак,
сен бахтлиман деб урма бонг.

Бир ғарибнинг хонасинда
ёнмади шам бул кеча,
Мавжи нур ичра ҳалак,
сен бахтлиман деб урма бонг.

То ҳануз инсон руҳи
таслим бировлар зулмига,
Эрк сенга бўлмас безак,
сен бахтлиман деб урма бонг.

Эй, курашлар ичра ёнган
навжувон, ёвқур насл,
Етса истиқлолга шак,
сен бахтлиман деб урма бонг.

Омадинг келганлигин оламга
кўз-кўз этма кўп,
Ўз-ўзингдан жонсарак,
сен бахтлиман деб урма бонг.

Омаду бахт — бу элингни
бахтиёр кўрмоқлигинг,
Топмайин бахтдан дарак,
сен бахтлиман деб урма бонг.

ТУЮҚЛАР

Келиб қолди битта меҳмон қўнғир отлик,
Ул дедики: — Мен деҳқонман, кўнғиротлик.
Биз дедикки, хуш келибсан, азиз меҳмон,
Ҳеч тортинмай кулбамизга кўн, ғиротлик.

* * *

Дедим: — Кимдан ҳадядир бўйнингдаги
у маржон!
Қиз дедики: — Маржоннинг эгасидир
Умаржон.
Мен дедимки: — Маржонинг муборак
бўлсин, сингил,
Маржон нима, сен учун аямайди Умар жон.

* * *

Кўчангиздан ўтурман ҳар субҳу шом, Зиёда,
Пиёда ўтганлигим минг отлиқдан зиёда.
Ҳовлингизда ҳар бир гул кўнглим баҳори эрур,
Қалбим қуёшин кўрдим йилт этган ҳар зиёда.

* * *

Кимки ўз шахсига қўяркан бино,
Ақли озор топиб, бўлур нобино.
Шуҳрат — соҳилдаги қум мисолидир,
Қумда қуриб бўлмас мустаҳкам бино.

* * *

Ёнгинангга келдим сойлар кеча-кеча,
Ҳузурингда ўлтирай деб бирор кеча.
Юрагимда сенга айтар гапларим кўп,
Дарвозанг оч... гуноҳларим кеча-кеча.

Энг яхши қўшиқ-рақсимиз Наврўзга!

В. ПАНОВ олган сурат.

● ТЕЛЕМАРАФОН

ТУРКИЯ ТАБРИКЛАЙДИ

Туркия Бош министри Сулаймон Демирэл Ўзбекистон меҳнаткашларини қутлуғ байрам — Наврўз билан муборакбод этади. Бу ҳақда ёзиб олинган махсус видеокассета эртага Ўзбекистон ойнаи жаҳони орқали кўрсатилади.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси Наврўз байрамига атаб 25 соат давом этадиган махсус телемарафонга катта тайёргарлик кўрди. **Бу ҳақда телекомпания раисининг биринчи муовини Элбек Мусаев мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:**

— Эртага эрталаб соат 9.00 да бошланадиган ва якшанба куни эрталаб соат 10.00 га қадар давом этадиган узлуксиз бу телемарафонни ташкил этишда Ўзбекистон телевидениесининг 600 кишилик жамоаси фаол қатнашадилар. Улар орасида жойлардаги воқеаларни репортаж ҳолида акс эттирувчи ва суҳбатлар олиб борувчи 150 журналист бор.

Ижодкорларимиз Қорақалпоғистон, Хоразм, Фарғона, Наманган ва бошқа қатор вилоятларимизда Наврўз байрами шодиёналарини бевосита эфирга чиқаришга ҳозирлик кўрганлар. Бу ишлар учун жуда кўплаб видеокассета ва пленкалар ажратилган. Биргина транспорт воситаларининг ҳаракат қилиши учун 20 тонна атрофида ёқилғи сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон телевидениесининг учта кўчма станцияси Халқлар дўстлиги саройи биноси ва унинг олдидаги майдон ҳамда Навоий номидаги Миллий боғда доимий ишлаб туради.

А. ПУЛАТОВ.

ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР

Хоразмда Наврўз байрами тадбирлари авж олиб кетди. Вилоятнинг барча шаҳар ва районларида саховат кечалари ўтказилмоқда. Рўйхатга олинган икки мингдан ортиқ ночор, ёрдамга муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатилиб, турли совғалар тортиқ этиляпти. Шу мақсадлар учун ярим миллион сўм маблағ ажратилган.

Хоразмликлар умумхалқ аёмини бунёдкорлик ишлари билан кутиб олишга қарор қилишган. Бу ерда «Дўстлик» боғининг яратилиши шу ишларнинг дебочаси бўлди. Хайрия-ҳашари куни олти миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Вилоят аҳолиси Наврўз байрами шарафига 10 миллион туп кўчат экади. Бу эса улар бошлаган «ҳар бир киши ўн тупдан кўчат» хайрли ташаббусининг натижасидир.

Паҳлавон Маҳмуд туғилган кунга бағишлаб ўтказиладиган полвонлар беллашуви ҳам Наврўз тантаналари қаторидан ўрин олган. 22 март куни бўладиган бу мусобақада республикамиз спортчиларидан ташқари Қорақалпоғистон ва Туркманистон Республикаларидан ҳам полвонлар иштирок этишади.

(ЎзА мухбири)

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Тошкентдаги «Алгоритм» электрон ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 538-болалар боғчасида халқимизнинг миллий байрами — Наврўз ўзига хос тароват касб этди. Тарбиячилар, эналаргани қўйинг, ҳаттоки бу ерда тарбияланаётган 480 нафар кичкинтой ҳам байрам тадбирларида фаол иштирок этдилар. Уларнинг ҳар бири ўзининг нимага қодирлигини намойиш этишди. Наврўзни мадҳ этувчи, дўстликни, бирликни улуғловчи шеъру қўшиқларни, рақсларни ижро этдилар. Ўз ёнларида атлас кўйлак кийган бошқа миллат вакилига мансуб дугоналарини кўрган кичкинтойлар айниқса яйраб кетишди.

Боғча тарбияланувчиларига оталиқдаги корхона — «Алгоритм» бирлашмаси томонидан ҳозирланган байрам совғалари топширилди. Боғча жамоасининг ташаббуси билан тайёрланган сумалак байрам дастурхонини безатди. Айниқса, кичкинтойлар уни қувонч билан қарши олишди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ёзма манбаларда Наврўзнинг қадимий анъана эканлигидан далолат берувчи бир қатор ривоятлар мавжуд. Айрим маълумотларга кўра, Наврўз қадимги эронликларда ахмонийлар даврида бошлаб одат тусига кирганлиги таъкидланади.

Шарқ ёзма меросида Наврўз ҳақидаги тўла маълумот ва аниқ илмий хулосалар Абу Райҳон Беруний-нинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» «Қонуни Масъудий» ва «Ат — тафҳим» асарларида, Умар Ҳайёмнинг нодир асари — «Наврўзнома» рисоласида ёзиб қолдирилган.

Берунийнинг ёзишича: «Эрон олимларидан Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида келтирилишича; Жамшид — қадимги Эрон подшоҳларидан бири. У ўз салтанати даврида анчагина илғор тадбирлар жорий этиб, давлат тузган. Одамларни табақаларга ажратган. Кийим кийишга ўргатган. Маъжусийлар динини янгилаган. Шу иш қилинган кун — «Наврўз» — «Янги кун» деб аталган. Жамшиднинг подшолик салтанати равнақини таърифлар экан, шоир ёрқин мисраларда қуйидагича ифодалайди.

Барча жам, одамлар қарор тахтига,
Жаҳон қойил бўлиб шукуҳ ҳам

деган мисраларини ўқисак, «Хазойинул -маоний» асарида эса ажойиб ўхшатиш билан Наврўздаги тун-кун тенглиги илмий тушунчаси изҳор этилган:

Хусусан эрур фасли Наврўз ҳам
Васли аро кўрдум кенг эмиш бўйи-ю, сочи,
Тун-кун тенг экан зоҳир улар бўлди Наврўз.

Наврўз — деҳқончилик байрами. Наврўз келиши билан кунлар исиб, қуёш ўз тафти билан она ерни эъзозлаб, кишилар қалбидаги ерга бўлган меҳр-муҳаббатни ҳаракатга келтиради. Шу билан ҳовлиларда, далаларда меҳнат қилиш жараёни бошланиб кетади.

Наврўзни Ўрта Осиё халқлари нафақат баҳорги тенгкунликда, балки бутун ҳамал ойи давомида, баъзан унгача ҳам нишонлашган. Сумалаклар пиширилиб, етти хил кўкатдан етти хил таомлар, ҳар хил ширинликлар тайёрланиб, ўйин-кулгу билан нишонлайдилар.

Баҳорни гул билан қарши олиш одат тусига кирган. Илк баҳорда, куннинг меҳр нурларидан баҳра олгандай, сарғиш товланиб, она ер бағридан биринчи бўлиб бойчечак униб чиқади. Халқ уни баҳор элчиси, янги орзулар даракчиси, бахт-саодат хабарчиси деб билади. Бойчечак сайли баҳорнинг дастлабки шодиёнаси, у ҳақда тўқилган қўшиқлар эса йилнинг биринчи мавсум қўшиқларидир.

Бу йилги Наврўз байрами олдинги йил байрамларидан ўзгача. Чунки мустақилликни қўлга киритган беғубор қалбли ўзбек халқи Наврўз байрамини ўзгача бир тароват, озодлик, қувноқлик, имонлилик нашидалари билан кутиб олмоқдалар.

Бизнинг Маслаҳат қишлоғи хонадонларида ҳам, мактабларимизда ҳам бу йилги Наврўз ўзгача бир тароват билан нишонланади.

Шундай дамларда бобокалонларимиз қолдирган ёдномаларни эслаш миллий қадриятларимизни улуғлашнинг яққол намуналаридир:

Биз мустақилликни, миллийликни пок сақлаб мустаҳкамлаш учун соф виждон билан меҳнат қилмоғимиз, курашмоғимиз даркор.

Шундай қилганимиздагина бир-биримизга меҳр-шафқатли бўлиб, дала-ю боғларга, хонадонлару ҳовлиларимизга ранго-ранг гуллар, мевалар экиб, ҳаётимизни гулга буркаган бўламиз.

Маъсудахон МУҲИДИНОВА,
Андижон вилоят Олтинкўл район 22-ўрта мактабининг ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси.

ДАСТА - ДАСТА БОЙЧЕЧАК

Жамшидга сочишар олтину гавҳар,
Шу кунни янги йил — байрам дейишар.
Йил боши хурмизу эди фаввардин
Дилда на ғам қолди, на адоват, кин
бахтига.

Наврўз бобокалонимиз Алишер Навоий назмидан ҳам кенг ўрин олган. Унинг «Садди Искандарий» достонида Наврўзнинг байрам қилиниши ҳақида;

Ки бусурур эрур олам афруз ҳам,
Ки бусурур эрур фасли Наврўз ҳам

деган мисраларини ўқисак, «Хазойинул -маоний» асарида эса ажойиб ўхшатиш билан Наврўздаги тун-кун тенглиги илмий тушунчаси изҳор этилган:

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Товар-моддий бойликларни ташқарига олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекциясининг вилоят бўлими ходимлари йил бошидан буён 5 миллион сўмликдан зиёд ноёб буюмларни ушлаб қолдилар. Мусодара қилинган товарлар Қаршидаги «Гўзал» дўконида меҳнат жамоаларига давлат нархида сотилмоқда.

Шуниси қувончлики, ўтган йилнинг охирида ташкил этилган бу бўлим самарали иш олиб бормоқда. Фақат икки ойнинг ўзида ташқарига чиқиб кетаётган 6 миллион сўмликдан зиёд товарларни қайтаришга муваффақ бўлди.

Суратда: ихтисослаштирилган «Гўзал» дўкони директори Баҳром Муҳаммадиев (чапда) давлат инспекцияси бўлими ходимлари милиция капитани Ўроқ Холмуродов ва старшина Бахтиёр Ҳақбердиевдан ушлаб қолинган товарларни қабул қилиб олмоқда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

• Шогирднинг дил сўзлари

УМРИДАН БАРАКА ТОПГАН

Узоқ йўл босиб келаётган йўловчини кузатганмисиз?

Унинг кўпни кўрган ақлли кўзларида бутун бир олам акс этаётгандек бўлади. Қиёфасида кўпни кўрган кишиларга хос вазминлик ва салобат, донишмандлик ва болаларча бир соддалик омухта акс этиб туради.

Олис йўл босиб келган йўловчиларнинг чеҳрасида алланечук ҳорғинлик сезилади. Аммо, бу ифода йўл чарчоғига эмас, балки, ана шу йўлда кўрган-кечирганларига ишорадек бўлиб туюлади кишига...

Ҳозир мен сўз юритишга чоғланаётган отахон санъаткор, ўзбек радиорежиссура санъатининг асосчиларидан бири Неъмат Дўстхўжаев ҳам худди ана шунақа, олис йўл босиб келаётган йўловчи ёхуд сайёҳга ўхшаб кетади. Зеро, у киши ўз ҳаёт йўлида нималарни кўрмаган, нималарга шоҳид бўлмаган дейсиз?!

Шу боисдан бу табаррук мўйсафиднинг ҳаёти ва ижоди айрим кишиларга, хусусан ёшларга эртакнамо туюлиши ҳам мумкин. Бунинг сабаблари бор.

Биринчидан, Неъмат ота бугунги кунда номлари афсонавий тус олган саҳна санъатимиз сардорлари — Маннон Уйғур ва Етим Бобожонов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов ва Юнус Ражабий, Шукур Бурхон ва Шариф Қаюмовлар билан узоқ йиллар давомида маслакдош ва елкадош бўлган. Иккинчидан, радиорежиссёрлик «шафқатсизроқ» соҳа. Радиорежиссёр ҳаммани ҳаво тўлқинларига олиб чиқади-ю, ўзи «пана»да қолиб кетаверади. Шу боис, бу соҳа одамларини кўпчилик кўрмайди, билмайди, танимайди.

Назаримда, куни кеча Ўзбекистон «ойнаи жаҳони» орқали намойиш этилган «Олтин ярпоқ» видеофильми ана шу бўшлиқни озми-кўпми тўлдиради деб ўйлайман.

Неъмат ота ҳақида яна нима дейиш мумкин? Аввало, у киши бахтли одам. Бутун умрини ўз севган касбига бағишлаб келаётган, увалижували пири-бадавлат отахон.

Тақдир тақозоси деймизми... Бир вақтлар, урушдан аввал Абулқосим Лоҳутий номли театр санъати техникумида ўқиганида, ёш томошабинлар театрида ишлаганида Неъмат ота менинг марҳум дадам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирсоат Усмоновга сабоқ берган эканлар..

Йиллар ўтиб менинг ўзим ҳам Ўзбекистон радиосининг Адабиёт шўъбасига ишга келдим. Ва дадамнинг устози Неъмат отага шогирд тушдим.

Йўқ, бу тақдир ҳазили эмас, балки, тақдир инъоми эди...

Неъмат отанинг республика Ёш томошабинлар театрида, Ҳамза номли Академик театрда ва Ўзбекистон радиосидаги фаолияти, кинода, театрда, радио ва телевидениеда ўйнаган ролларини ҳақида тўхталиб ўтирмайман. Чунки, булар ҳақида илгари ҳам ёзилган.

Қолаверса, ўз вақтида Неъмат ота билан ҳамкорлик қилган, у кишининг тарбиясини олган кишилар кўп. Мен бу ўринда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбеков ва серқирра ижодкор Фарҳод Мусажоновни, теле ва радиорежиссёрлар — Мақсуд Юнусов, Акмал Ҳайдаров, Нишон Ғайбуллаев, Раҳмат Жумаевларни назардадаги тутаяпман. Ҳаётдан эрта кўз юмган, радиоасарлари маданиятимизда ўзига хос воқеа бўлиб қолган Дамир Шокиров ҳам отанинг шогирди эди.

Неъмат отанинг режиссёрлик маҳорати хусусида уларнинг сўз айтишига маънавий ҳуқуқлари кўпроқ деб ўйлайман.

Эсимда бор, 1980 йили бўлса керак... Неъмат ота икковимиз буюк актёр Шукур Бурхон хонадонига боргандик.

Ҳатто Шукур Бурхондек санъаткор ҳам Неъмат ота билан маслаҳатлашгани, унинг фикри билан ҳисоблашганига гувоҳ бўлгандим.

Ўшанда, Шукур Бурхоннинг қайси бир роли ҳақида гап кетдию, актёр хонада сигарет тутатиб, у ёқдан бу ёққа юраркан, «Дўст! (у киши Неъмат отани шунақа дердилар) Йў-ў!... Сиз биласиз!... Тўғрисини айтаверинг! Хафа бўлмийман!»... деганди.

Ўшанда мен Неъмат отага ҳайрат билан тикилиб қолгандим.

Эсимда бор, қайси бир йили Неъмат отанинг ўзи тайёрлаган эшиттириш ҳақида иқтидорли шогирди Рустам Қурбонов билан (ҳозир Ўзбекистон радиосининг бош режиссёри) маслаҳатлашиб ўтирганди.

Ўшанда ҳам ҳайратда қолгандим...

Энди билсам, Неъмат ота сингари одамлар айнан шу фазилатлари билан — уни катта, буни кичик демасдан, маслаҳатлашиб, ўз ўрнида ўргатиб, ўз ўрнида ўрганишлари билан буюк эканлар!...

Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов: «Шу отахонни кўрсам дилим ёришиб кетади. У кишининг очиқ чеҳраси кишини ёшартириб юборади» деганди. Мен ўшанда беихтиёр ҳазрати Мир Алишер Навоийнинг ушбу ҳикматли сўзларини эсладим: «...Очиқ чеҳрали одам иккиюзламачилик, нуқсонлардан йироқ бўлади. Ундан дўст-душман хотиржам. Бундай киши умридан барака топгай...»

Ўзининг муборак 80 ёшини нишонлаётган устоз ана шундай умридан барака топган ижодкор. У ҳануз тинибтинчимайди. Ҳар бир эшиттиришимиз, янги радиоспектакль ва постановкаларимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришга шошилади. Гоҳида телефон орқали, гоҳида... радиога атайлаб келиб-кетишдан ҳам эринмайди.

Биз, у кишининг шогирдлари — радиорежиссёрлар ва радиожурналистлар Неъмат отанинг ғайратига ҳавас қиламиз! Ва миннатдор бўлиб, ҳамиша у кишига мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

Эркин УСМОНОВ,
Ўзбекистон радиоси «Радиотеатр» бўлимининг мудири.

• Акс-садо

«ЎЗ АЛИФБОМИЗНИ ЯРАТАЙЛИК»

(«Ўзбекистон овози», 1992 йил, 13 март).

Таниқли тилшунос олим Азим Ҳожиевнинг фикр-мулоҳазаларини тўла қувватлайман. Муаллиф мутахассисларнинг таклифларини ҳисобга олиб, ўзбек тили алифбосини лотин графикаси асосида яратишни таклиф қилади. Ҳақиқатан ҳам 30-йилларда лотин алифбоси ўзбек ёзувини яхшилашга имкон берадиган алифбо деб қабул қилинганди. У «ҳозирги графикалар ичида ўзбек тили фонемаларини аниқ ифодалаш имконини берадиган графикадир». Ҳозирги замон компьютерлар ва ҳисоблаш машиналарида бу графикадан кенг фойдаланилаётгани ҳам катта аҳамиятга эга. Шу ва бошқа бир қанча фактларни ҳисобга олган мақола муаллифи лотин ёзувига ўтишнинг ҳар жиҳатдан мақбуллигини кўрсатган.

Маълумки, рус графикаси замон тазйиқи остида сунъий равишда ўзбек тилига ўтказилди. Ўтказилганда ҳам унга (рус алифбосига) эҳтиётлик билан қаралди, аниқроғи, у қандай бўлса шундай қабул қилдирилди. Бу эса, ўзбек тилининг ўзига хос томонларини ҳисобга олмасликка олиб келди. Натижада ўзбек тили талаффузи бузилди. Масалан, ўзбек тилидаги «жаҳил, жар, жўра» сўзларини рус ҳарфи «Ж» билан талаффуз этиб бўладими? Ушп баъзан «Дж»га айлантириб, бу сўзларни яна ҳам бузиб юбордик. Худди шунга ўхшаш ҳолларни «О», «ў» ҳарфлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай ҳолларда тилни мукаммал билувчиларгина маъносига қараб сўзларни тўғри талаффуз эта оладилар. Бошқалар эса, уларни бузиб ифода этадилар. Ўзбек тилини ўрганмоқчи бўлган бошқа миллатга мансуб кишиларчи? Улар ҳам бу сўзларни нотўғри, бузиб талаффуз қилишга мажбур бўладилар, албатта.

Хуллас, тазйиқ билан ўзбек тилига ўтказилган рус графикаси ўзини оқлайолмади. Шунинг учун ўзбек алифбосини лотин графикаси асосида яратиш мақсадга мувофиқдир. У шунинг учун ҳам зарурки, бу алифбо 50 миллионли нуфузга эга усмонли турклар ёзувида ўзининг ижобий ифодасини топди. Бошқа туркий халқлар ҳам шу алифбога ўтса, уларнинг бир-бирларини тушунишлари ўнғайлашарди, улар чоп этган китоб, мақолалар, ойнома ва рўзномаларни бемалол ўқиш имконияти туғиларди.

Хулоса шуки, барча туркий халқлар лотин графикаси асосида ўз алифболарини тузсалар, улар, Навоий тили билан айтганда, «Як қалам» бўлиш имкониятига эга бўладилар. Ўртадаги ўзаро муносабатлар эса, янада равнақ топади.

О. АКРОМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ФА академиги.

СПОРТ

ҚИММАТЛИ СОВРИН

● **ОЛИМПИАДА жаҳон спортчиларининг йирик анжумани. Ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган бу мусобақа спортчилар орзуси.**

Олимпиада совриндори бўлиш ўз йўлига-ю баҳсда иштирок этиш ҳам фахрли ҳисобланади. Зеро олимпиадачининг мусобақада иштирок этишига қанча маблағ сарфланиши ҳақида ҳеч ким ўйлаб кўрмаган бўлса керак. Франциялик спорт мутасадди-мутахассислари олимпиада олтин медали неча пулга тушишини хомчўт қилишди. Маълум бўлишича, ҳар бир спортчининг машқ қилиши учун яратилган шароит, кийим-кечаги, овқатланиши, устозига бериладиган маош, йўл харажати, олимпиада мусобақасидаги имкониятлари учун жами 30 миллион франк ёки 5,5 миллион доллар сарфланар экан. Ҳозир Францияда 16 нафар олимпиада чемпиони бўлиб, уларга 484 миллион франк сарфланган экан.

ЧОВГОН ЎЙНАТИБ

● **ЧИМ ХОККЕЙ бўйича эркаклар жамоалари ўртасида МДҲ чемпионати бошланди.**

Бу йилги биринчиликда Ўзбекистон, Қозоғистон, Украина ҳамда Россиянинг айрим шаҳар жамоалари иштирок этишга рози бўлишди. Андижоннинг «Звезда» хоккейчилари иккита учрашув ўтказиб, қимматли очколар тўплашди. Вакилларимиз аввал Екатеринабург хоккейчилари билан учрашувда ҳисобни 0:0 ва 1:1 қилишган бўлса, Олмаота динамочиларини икки марта (2:0) мағлубиятга учратишди.

МАВСУМ БОШИДА

● **ЭШКАК эшувчилар мавсумнинг дастлабки мусобақаларини ўтказишди.**

Ўзбекистон кубоги учун мусобақа Тошкент денгизида бўлиб ўтди. Байдарка ва каноэда эшкак эшганлар 5 масофада марра сари интилдилар. Фарғоналик Е. Остонов 500, 1000, 2000 ва 10 минг метрли масофада маррага биринчи бўлиб келди.

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

● **«ПАХТАКОР—79» хотира соврини учун футбол бўйича ўтказилаётган анъанавий мусобақада ярим финалчилар аниқланди.**

22 март куни ўтказиладиган ярим финал ўйинларида пахтакорчилар «Косонсойчи» жамоасини қабул қилишса, навбаҳорчилар «Суғдиёна» футболчилари билан майдонга тушадилар.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ЖИЗЗАХ МОЛ, ХОМ-АШЁ БИРЖАСИ

ҲАМКОРЛИК САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

1992 йилнинг 27 март куни соат 10.00 да Юнус Ражабий номли вилоят мусиқали драма театри биносида Жиззах МОЛ, ХОМ-АШЁ БИРЖАСИнинг ҳамкорликда ташкил этадиган «Ким ошди» савдоси бўлади.

Савдога Самарқанд, Навоий, Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона, Андижон, Сурхондарё, Қарши биржаларининг, шунингдек, жумҳуриятимиздан ташқаридаги кўпгина биржаларнинг ходимлари ҳамда брокерларини

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

«Ким ошди» савдосига кенг ассортиментдаги халқ истеъмоли моллари, турли маркадаги автомашиналар, тракторлар, экскаваторлар, чет элда ишлаб чиқарилган компьютерлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, қурилиш ашёлари ва бошқа кўпгина ускуналар қўйилади.

«Ким ошди» савдосида корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамда барча ишбилармонлар ҳам қатнашишлари мумкин.

СИЗЛАР САВДОДА БРОКЕРЛИК ЎРИНЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Манзилгоҳимиз: Жиззах шаҳри, А. Навоий кўчаси, 4-«а» уй, вилоят давлат таъминоти бошқармаси биноси, 2-қават.
Телефонлар: 3-72-15, 3-86-81, 3-88-60.
Телефакс: 3-84-52.

МОСКВА ТОВАР БИРЖАСИ

НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

МТБнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси ўзининг ҳозирги ва бўлажак шерикларини янгиланиш кунида, янги йил бошланиши арафасида қутлуғ айём — НАВРЎЗ байрами билан табриклайди.

Қадимий ўзбек диёрида олижаноб мақсадлари йўлидаги меҳнатингиз залворли бўлсин. Оладиган ҳосилингиз баракали бўлсин. Ҳар бир хонадонда тинчлик ва хотиржамлик қарор топсин

Ўзбекистон Республикаси бу абадий гўзал байрамнинг мустақил давлат сифатида, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли, тўлақонли аъзоси сифатида кутиб олмоқда. Шуниси аёнки, агар одамларни энг ёрқин, энг гўзал, энг нафис ҳис-ҳаяжонлар чулғаб турса уларнинг омади келаверади, ҳазиналар кўзи очилаверади. Тўкинчилик ва шод-хуррамлик бўлаверади.

Йил бошида қушлар ин қуради. Одамлар янги уйларнинг режасини тузадилар. Айни пайтда НАВРЎЗ янги битимлар, шартномалар, контракт тузиш учун энг қулай пайт ҳамдир. Оллоҳ меҳнатни ва савдо сотиқни ижобат қилсин.

Москва товар биржаси сизларга самимий амалий муносабатлар ўрнатишни таклиф қилади. Агар бу ишга НАВРЎЗда асос солинса, унинг самараси беҳад бўлиши турган гап.

Биз минглаб савдо-сотиқ ришталари уланган маконда жойлашганмиз. Биз хоҳлаган товарларни таклиф қилишимиз ҳамда уларни сотиб олишимиз мумкин. Биз шерикларимизга ишлаш учун, тижорат билан шуғулланиш учун энг яхши шарт-шароитларни яратиб берамиз.

Ўзбекистон Республикаси фаровонлиги учун, унда истиқомат қилувчи меҳнат кишиларининг бахт-саодати учун фойда келтира оламиз, деб ўйлаймиз.

Биз амалий таклифларингизни кутамиз ва уни мамнун бўлиб қабул қиламиз.

Манзилгоҳимиз: 700043, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 8 уй.

Телефон: (3712) 45-74-58 Факс (3712) 45-87-95.

ҲАШАМАТЛИ МУҲРЛАР ВА ШТАМПЛАР

БАЖАРИШ МУДДАТИ 24 СОАТ ЭШИК КЕЛИБСИЗ!

Мустаҳкам сифатли исталган тилда исталган мураккабликда сиз танлаган йўсинда жиҳозланган ҳуқуқий жиҳатдан қонуний

ТОШКЕНТ

"ФАЙЗ Лтд."
700003 Тошкент
Байналмилал кўчаси, 2-уй
Мулоқот телефонлар
45=45=56
45=43=56

Бешёғоч майдони
Иссиқ нон
Байналмилал кўчаси, 2
Олмазор кўчаси

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги жамоаси вазирликнинг Ходимлар бошқармаси бошлиғининг муовини Б. Нўрматовга отаси

Сиддиқ Нурматович НУРМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Олий ўқув юртлари Вош бошқармасининг бош мутахассиси Ш. Жонбоевга онаси

Шаҳрихон Қурбонбой қизи ЖОНБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ходимлари касаба уюшмасининг жумҳурият қўмитаси ядро-физикаси институти касаба уюшмаси қўмитаси раиси И. Нуриддиновга онаси

Мунар ОМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳи раҳбарияти, касаба уюшмаси қўмитаси олий билимгоҳ проректори, профессор С. Ибодуллаевга онаси

Ҳадича ЗИЕ қизининг

вафот этганлиги муносабати билан, чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36; 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г 15.
№ 57.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.